Использование реляционной информации также, вероятно, повысит удовлетворенность клиентов, которая будет доказываться потреблением ими услуг именно данной компании. Позволяя клиентам легко общаться с организацией, процесс реляционной информации помогает регистрировать жалобы клиентов и осуществлять обратную связь. Кроме того, интеграция информации о клиентах и обмен ею с менеджерами по работе с клиентами позволяет клиентам и другим заинтересованным сторонам более эффективно общаться с фирмами. Частое и открытое общение между поставщиком и клиентом повышает эффективность использования продуктов или услуг фирмы, тем самым повышая степень удовлетворенности и лояльности клиентов.

CRM должен включать небольшой набор процессов, которые решают задачи, критически важные для достижения целей организации, вторых, каждый процесс должен способствовать процессу создания ценности на стра-

тегическом или макроуровне (Adrian и Penny, 2005).

Таких процессов CRM пять:

- ◆ Процесс разработки стратегии.
- ◆ Процесс создания стоимости.
- ◆ Процесс многоканальной интеграции.
- ◆ Процесс оценки эффективности.

Современная экономическая среда характеризуется тем, что клиенты более осведомлены, им есть из чего выбирать, у них больше денег, а также тем, что существует высокая конкуренция со стороны других компаний. Чтобы компания оставалась на рынке и была ориентированной на ры-

нок, ей необходимо идти туда, где находятся ее клиенты.

Ведущие компании, ориентированные на клиента, создают системы измерения и обратной связи, которые позволяют им определять уровень своего успеха и направлять свои инициативы по пути постоянного совершенствования. Они признают важность мониторинга своей работы для удовлетворения растущих ожиданий клиентов, а также внедрения и инициирования необходимых изменений. Задача, стоящая перед финансовыми учреждениями сегодня, заключается в том, чтобы предоставить лучший опыт обслуживания при одновременной экономии затрат.

ABSTRACTS

THE CONCEPT OF INNOVATIVE MARKETING TO INCREASE THE COMPETITIVENESS OF COMMERCIAL BANKS

As the President of Uzbekistan noted in his Address to the Oliy Majlis, the banking system of the country lags behind in its development by 10-15 years. It is not surprising that the banking industry is undergoing a transformation due to changes in the needs, behavior, knowledge and competitive innovations of consumers as a result of globalization, liberalization and technological factors. The author of this article, who is an employee of the Central Bank, believes that banks need to develop a culture of continuous customer relationship management, customer research, training and business innovation.

ХУДУД ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ЎСИШИ УЧУН

Юртимиизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида улкан ютуқлар қўлга киритилиб, барча соҳалар кун сайн тараққий этмоқда. Банк-молия тармоғи ўзига хос янги йўналишда ривожланяпти. Буни Фарғона вилоят тиҷорат банклари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мухбirimiz Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош Бошқармаси бошлиғи Туробжон Исломович Қундузов билан ўтган 2019 йилда Фарғона вилоят тиҷорат банклари томонидан амалга оширилган ишлар ва 2020 йилдаги режалар хусусида сұхбатлашди.

- Туробжон Исломович, ўтган 2019 – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиши йили»да Фарғона вилоят тиҷорат банклари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

- Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида бўлгани каби банк тизими ҳам чукур ислоҳ қилиниб, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, капиталлашув даражасини ошириш, ликвидлигини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган

Ўзбекистон Республикаси



Туробжон Қундузов,
Марказий банкнинг
Фарғона вилояти
Бош Бошқармаси
бошлиғи

каси Президентининг тегишли фармон ва Қарорлари қабул қилинди.

Фарғона вилоятида 2020 йил 1 январь ҳолатига тиҷорат банклари сони 19тани ва уларнинг филиаллари сони 78тани ташкил этиб, 2019 йил давомида вилоятда тиҷорат банклари сони яна биттага кўпайиб, «Азия Альянс» банкининг Фарғона филиали ташкил этилди.

Банк филиаллари томонидан аҳолига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга қуалай банк хизматини кўрсатиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сонини ва сифатини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сонли Қарорига мувофиқ, вилоят бўйича 64та минибанк, 89та маҳсус касса,



26та жамғарма кассаси, 41та банк хизматлари марказлари ҳамда жойларда 71та 24/7 шохбчалари аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Фарғона вилояти тижорат банклари томонидан 2019 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 5 569,8 млрд. сўм кредит маблағлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 25 587та субъектга 3 трлн. 227 млрд. сўм кредит маблағлари (саноатга 1 347 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 648 млн. сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига 1 351 млн. сўм) ажратилиши ҳисобига 6548та янги иш ўрни яратилди.

Халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг жалб этилган ресурслари ҳисобидан 2019 йилда 98,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 1190 лойиҳа маъқулланган бўлиб, хозирда тадбиркорлик субъектларига 83,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси томонидан 91та тадбиркорга 65,3 млрд. сўмлик кредитларга кафиллик, 452та тадбиркорга 51,5 млрд.

сўмлик компенсация хизмати кўрсатилиб, жами 543та тадбиркорга молиявий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оиласиий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида 2019 йил бошидан вилоятимиздаги тижорат банклари томонидан жами 707,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Хусусан, 2019 йилда «Ҳар бир оила - тадбиркор» дастури доирасида 32 139та лойиҳага 583,7 млрд. сўм, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 506та лойиҳага 9,9 млрд. сўм, ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 496та лойиҳага 16,5 млрд. сўм, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги жамғарма ҳисобидан 58та лойиҳага 3 млрд. сўм, бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 120та лойиҳага 3,4 млрд. сўм, хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 660та лойиҳага 13,2 млрд. сўм, «Ёшлар - келажагимиз» дасту-

ри асосида 330та лойиҳага 78 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларига илова қилинган, вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича манзилли дастурдаги 216та лойиҳага 674 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди ҳамда 161та лойиҳа тўлиқ қувватларда ишга тушди.

Фарғона вилоятида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан Республика тижорат банклари томонидан ўтказилган учрашувларда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи 37 830та тадбиркор билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар натижасида 25 518та тадбиркор «яхши», 12148та тадбиркор «ўрта даражадаги», 164та тадбиркор «ёрдамга муҳтоj» тоифаларига киритилди. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича 479та мурожаат Бош вазир қабулхоналарига юборилди.

- Жорий
2020 йилдаги ис-
тиқболли режа-
ларда кўзда



тутилган лойиҳалар нималардан иборат?

- Аҳоли ва оиласидаги тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги «Оиласидаги тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-4498-сонли Қарорига асосан кредитлар Агробанк, Ҳалқ банки ва Микрокредитбанк томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, 2020 йилда Фарфона вилоятида жами 400 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Хусусан, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида 241,7 млрд. сўм, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-куватлаш дастури асосида 6,2 млрд. сўм, Хунармандчиликни ривожлантириш дастури асосида 63 млрд. сўм, Маҳаллий ҳоқимликлар хузуридаги жамғармаларнинг дастурлари асосида 1,4 млрд. сўм, Бандликка кўмаклашиш дастури асосида 33,5 млрд. сўм, Хотин-қизларни ва оиласидаги кўллаб-куватлаш дастури асосида 17,3 млрд. сўм, «Ёшлар – келажамиз» дастури асосида 36,8 млрд. сўм кредитлар ажратилди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳалқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги



ПК-4007-сонли Қарори ҳамда 2019 йил 19 июлдаги «Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштироқида «Фарфона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-4399-сонли Қарорлари бўйича қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида кредит маблағларини ўзлаштириш ишлари амалга оширилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарфона вилоятига ташрифлари давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажlis баёнларига илова қилинган 139та лойиҳага 472 млрд. сўм ҳамда 39,7 млн. АҚШ доллари микдоридаги кредит маблағлари тармоқ жадвалларида белгиланган муддатларда ажратилиши таъминланади.

- Аҳоли гавжум жойларда «банк хизматлари офислари»нинг кенг тармоғи жорий этилади. Кичик бизнес ва аҳолининг тадбиркорлик ташабbusларини

rivожлантиришга тўқсингиллик қилувчи долзарб молиявий муаммоларни ҳал қилиш қисми бўйича худудларда Ўзбекистон Республикаси Бозор, Пул ва Кредит тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан ҳамкорлик қилинади.

- Ишлаб чиқариш фоалияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига қисқа муддатли «револьвер» кредитлари ажратиш орқали уларнинг тўлиқ қувватларда ишлашини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади.

- Экспортёр корхоналарни молиявий кўллаб-куватлаш мақсадида лойиҳанинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда 3 ой муддатга экспорт тушуми хисобидан қайтариш шарти билан нақд пулда кредит бериш амалётлари жорий этилади.

- 2017-2019 йилларда худудларни ижтимоий-иктисолий ривожлантириш дастурларига киритилган инвестиция лойиҳалари бўйича молиялаштирилган, лекин ишга тушмаган лойиҳаларнинг ҳолати доимий мониторинг қилиб борилади. Мавжуд муаммолар бўйича

«бизнес омбудсман» ва Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан ҳамкорлик қилинади.

- Ваколатли банклар билан биргаликда қишлоқ жойларда учрашувлар ўтказиш, тарқатма материалларни тарқатиш орқали кенг оммага Жаҳон банкининг кредитлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун кооперация ва кластер усулидаги тадбиркорларни кредитлар хисобидан молиялаштириб, янги ва қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилган истиқболли лойиҳалар амалга оширилади.

- Тижорат банклари томонидан тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш, хорижий кредит линияларини жалб этиш борасидаги салмоқли ишлар халқимизнинг турмуш фаро-



вонлиги ошишига қай тарзда таъсир этмоқда?

- Фаргона вилояти тижорат банклари томонидан тадбиркорликни кенг кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш, хорижий кредит линияларини жалб этиш, инновацион банк хизматларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши баробарида худудларнинг янада тараққий этишига замин яратмоқда. Тижорат банклари томонидан ўтган давр мобайнида халқаро алоқаларни ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар сафини кенгайтириб, хорижий кредит линияларини кенг жалб этиш борасида сезилари ишлар амалга оширилди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тижорат банкларининг халқаро алоқалари самарали кечиб, хорижий кредит линияларини жалб қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида иқтисодиётимиз ривожи учун муҳим бўлган турли лойиҳалар

ҳаётга татбиқ этилиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, худудларнинг жадал суръатларда тараққий этишига хизмат қилаётганини қайд этиш даркор.

ABSTRACTS

FOR THE GROWTH OF ECONOMIC POTENTIAL OF THE REGIONS

As a result of the radical reforms carried out in our country, great achievements have been achieved and all spheres are developing day by day. This can also be seen on the example of Fergana regional commercial banks. The conversation of our correspondent with the head of the Main Department of the Central Bank of Fergana region was about the work carried out by the Fergana regional commercial banks in the past 2019 and plans for the 2020.



Ҳамдам Аминов сұхбатлашди.

ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

АТ «Халқ банки» Наманган вилояти Поп филиали томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда хорижий линияларни жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда банк филиали томонидан аҳоли ва мижозларга тезкор, ишончли, замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Йирик тадбиркорлик субъектларининг истиқболли, инвестицион ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мухиддиниз Акциядорлик тижорат «Халқ банки» Поп филиали бошқарувчиси Мухиддин Муҳаммаджонович Олимов билан ўтган 2019 йилда банк филиали томонидан амалга оширилган ишлар ва 2020 йилдаги режалар хусусида сұхбатлашди.

- **Мухиддин Муҳаммаджонович, ўтган 2019 йил - «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да банк филиали томонидан амалга оширилган ишлар нималардан иборат?**

- Ўтган 2019 йил банкизиз учун жуда омадли келди, деб бемалол айта оламан. Чунки соҳада олиб борилган ислоҳотлар ўз самарасини бериб, даромадларимиз ҳам, мижозларимиз сони ҳам, қолаверса, кредит портфели ва молиялаштириш йўналишлари ҳам бир неча барабарга ортди.

Банк филиали томонидан 2019 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 15 млрд. 359 млн. сўм кредит маблағла-



Мухиддин Олимов,

**АТ «Халқ банки»
Поп филиали
бошқарувчиси**

ри ажратилган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасига кредитлар ажратилиши хисобига 80 та янги иш ўрни яратилган.

Шунингдек, филиал томонидан ўтган йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жами 6 млрд. 500 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, ушбу маблағлар насли чорва моллари, кўйчилик, эчкичилик

ва балиқчиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оиласий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида 2019 йилда банк филиали томонидан жами 990 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ўтган йилда «Хар бир оила - тадбиркор» дастури доирасида 998,2 млн. сўм миқдорида, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-куватлаш жамғармаси, ҳунармандчиликни ривожлантириш, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги жамғарма ҳисобидан қатор лойиҳалар, бандлика кўмаклашиш жамғармаси маблағлари, хотин-қизларни ва оиласи кўллаб-куватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан бир нечта лойиҳа молиялаштирилди.

- **Жорий 2020 йилдаги истиқболли режаларда қайси лойиҳалар кўзда тутилган?**

- Маълумот ўринда таъкидлаш жоизки, жорий 2020



йил давомида филиал томонидан инвестиция лойихалари, хусусан, тўқимачилик, тикувтрикотаж саноати йўналишида кенг кўламли ишлар олиб борилиши ва бу мақсадларга 6 млрд. 500 млн. сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Филиал томонидан олиб бораётган инвестицион сиёсат натижасида тадбиркорлик субъектларининг ташаббускорлиги ортиб, янги таклиф қилинаётган лойихалар амалга оширилишида банк кредитларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда.

Ваколатли банклар билан биргалинда қишлоқ жойларда учрашувлар ўтказиш, тарқатма материалларни тарқатиш орқали кенг оммага Жаҳон банкининг кредитлари тўғрисида тушутириш ишлари олиб бориш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун кооперация ва кластер усулидаги тадбиркорларни кредитлар хисобидан молиялаштириб, янги ва қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилган истиқболли лойихалар амалга оширилади.

- **Филиал томонидан тадбиркорликни кўллаб-куватлаш, хорижий кредит линияларини**

жалб этиш борасидаги салмоқли ишлар ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қайтарда тъисир этмоқда?

- Филиал томонидан тадбиркорликни кенг кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш, хорижий кредит линияларини жалб этиш, инновацион банк хизматларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар ҳалқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши баробарида худудларнинг янада тарақкий этишига замин яратмоқда. Тижорат банклари томонидан ўтган давр мобайнида ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар сафини кенгайтириб, хорижий кредит линияларини кенг жалб этиш борасида сезиларни ишлар амалга оширилди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тижорат банкларининг ҳалқаро алоқалари ўз самарасини бериб, хорижий кредит линияларини жалб қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида иктисолидётимиз ривожи учун муҳим бўлган турли лойихалар ҳаётга татбиқ этилиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, худудларнинг жадал суръатлarda тарақкий этишига

хизмат қилаётганини қайд этиш даркор.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва худудларни комплекс ривожлантириш ҳамда ҳалқаро инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилаётган эътибор аввало аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан бир қаторда ҳалқимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланишига олиб келиши шубҳасиз.

ABSTRACTS

INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS AND FINANCING OF PROMISING PROJECTS

The huge reforms carried out in the banking system of the Republic created an opportunity for the rapid development of commercial banks, the increase in their revenues, and the conquest of new heights. The interview of our correspondent with the Manager of the Pop District branch of the "People's bank" was about the process of reforms in the bank.

Ҳамдам Аминов сұхбатлашди.

ИНСОН КАПИТАЛИ – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАЯНЧИ

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мукаммал назарий билим ва амалий кўниқмаларга эга бўлган, етакчи хорижий давлатларнинг тажрибаларини миллий қадриятларга мувофиқлаштирган ҳолда амалиётга жорий эта биладиган ваттанинг садоқатли ва салоҳиятли кадрларига боғлиқдир. Инсон капитали – бу муайян инсондаги ўзлаштирилган билим, тажриба, кўниқма ва қобилиятларнинг умумий ийғиндиси бўлиб, ундан оқилона фойдаланиши давлат ва жамият ривожланишида мухим омил бўлиб ҳисобланади.

Муҳтарам Президентни миз 2018 йилда Олий мажлисга қилган муружаатномасида таъкидлаганидек, ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта этибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.



Аксабарали Яров,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати бошқарма бошлиги ўринbosari,
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратураси тингловчуси

Хозирги даврда инсон капитали иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий омили сифатида тадқиқ этилиши ва унинг долзарблиги давлат ва жамият ривожи ҳамда иқтисодий, интеллектуал ва ижтимоий тараққиёт барқарорлигини таъминлашда, миллий ва умуминсоний қадриятларни тиллаш ва юксалтиришда, шунингдек таълим ва тарбиянинг ўйғунлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратиш, давлат бошқарви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўйғун фаолиятини ташкиллаш-

тириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони билан маъмурий ислоҳотлар концепцияси қабул қилинган¹.

Мазкур Фармонда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, худудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўскىнлик қуловчи қатор тизимли муммом ва камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатиб ўтилган. Жумладан:

❖ айrim ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-хукукий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибиға солиш ҳолатларининг

мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиганлиги;

❖ ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идораларо ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизmlари мавжуд эмаслиги;

❖ давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги худудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва ахолининг энг муҳим муаммоларини ҳал килишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келаётганлиги таъкидланган.

Фармонда кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини хисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан:

❖ ижро этувчи ҳокимият органларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари) ни ва жавобгарлик соҳаларини белгилаш, ишониб топширилган тузилма фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш;

❖ давлат ва худудий ривожланиш дастурларини шакллантиришда худудий ижро

этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш;

❖ давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлашни назарда тутган ҳолда вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизmlарини такомиллаштириш каби вазифалар белгилаб берилган.

Бироқ бугунги кунда юқоридаги Фармон билан жорий этилган маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш кечикиб турибди. Маълумки, ҳар қандай соҳанинг муваффакияти ва молиявий барқарорлиги унинг моҳирона бошқарилиши, оқилона бошқарув қарорлари қабул қилинишига боғлиқ. Бошқарув қарорлари эса таҳлилий маълумотларга таянади ва уларга асосан соҳанинг келгуси фаолияти режалаштирилади.

Бугунги кунда маҳаллий (вилоят, шаҳар, туман) ҳокимият

томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини таъминлаш мақсадида белгилаб берилган вазифаларнинг баҳарилиши бўйича худуддаги биринчи ижрочилар (ташкилот ва муассасалар) фаолиятини тизимли равишда методик таҳлил ва мониторинг килиб бориш тақозо этилмоқда. Методик таҳлил бошқарувнинг, яни менежментнинг асосий инструментлари ҳисобланган режалаштириш, таҳлил қилиш, тартиба солиш ва назорат қилиш орқали амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият органларининг ташкилий таркибий тузилиши ўзгарилишини, янги бўлимлар фаолияти йўлга кўйилишини, муносиб иш шароитлари яратилишини, етарли ишчи ходимлар билан таъминлашни ва салоҳиятли кадрларни шакллантиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармонига мувофиқ 2019-2021 йилларда

Ҳозирги даврда инсон капитали иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий омили сифатида тадқиқ этилиши ва унинг долзарблиги давлат ва жамият ривожи ҳамда иқтисодий, интеллектуал ва ижтимоий тараққиёт барқарорлигини таъминлашда, миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш ва юксалтиришда, шунингдек таълим ва тарбиянинг ўйғунлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.



Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириши Стратегияси тасдиқланган.

Мазкур Стратегиянинг бош мақсади мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантиришдан иборат.

Назаримизда, бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини янада ошириш учун туман ҳокимиятининг ижро этувчи орган функцияси билан бирга уларнинг худуддаги ташкилот ва муассасалар фаолиятини мувоффиклаштириш ва назорат қилиш функцияларини янада ривожлантириш лозим.

Шунингдек, туман ҳокимиятининг таркиби тузилмасида худудни инновацион ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш бўлими ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мақсадга йўналтирилганлигини ва натижадорлигини янада ошириш мақсадида тизимили равиша унинг ижроси

мониторингини тъминлаш учун ҳокимиятда ички аудит хизмати фаолияти йўлга кўйилиши мақсадга мувоффик ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгти ўн йилларни ривожланган давлатлар замонавий ускуналар ва технологияларга эгалигини ва ушбу соҳада жиддий рақобатдош устунликка эришиш деярли мумкин эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун олимлар ва мутахассисларга ўзини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кодир бўлган энг кучли ва истиқболли инсон ресурслари сифатида устунлик берилди. Фарбнинг иқтисодчи олимлари – Нобель мукофоти совриндорлари Т. Шульс ва Г. Беккер XX асрнинг 60-70 йилларида инсон капитали назариясини илгари сурдилар ва асосладилар². Унинг асосий қоидалари сифатида куидагилар кўрсаттиди:

- ❖ Инсон капитали (ИК) иқтисодий ўсишнинг асосий шартидир;
- ❖ ИКнинг шаклланиши кишидан ва бутун жамиятдан катта харажатларни талаб қилади;
- ❖ ИК кўнникмалар, қобилятлар кўринишида мъйлум

бир захирадир, яъни уларни тўплашга қодир;

❖ ИКга қилинган сармоялар унинг эгаси келажакда юқори даромад олишини тъминлайди;

❖ ИКга қилинган сармояхажми бўйича жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, узоқ вақт ва табиатда ажралмас бўлган иқтисодий ва ижтимоий самарани беради;

❖ ИК учун инвестиция даври анча узоқроқ бўлиб, инсоннинг таълимига сарфланадиган инвестициялар 12-20 йилни ташкил этади;

❖ ИК ликвидлиги нуқтаи назаридан бошқа капиталлардан фарқ қиласди: уни ташувчи сидан – тирик шахсдан ажратиб бўлмайди;

❖ ИК шаклланиш манбаларидан қатъи назар (давлат, оиласвий, хусусий маблағлар ва бошқалар), ундан фойдаланиш ва тўғридан-тўғри даромад олиш шахснинг ўзи томонидан бошқарилади;

❖ ИКнинг ишлаши, ундан фойдаланиш даражаси субъектнинг иродаси, унинг шахсий қизиқишлари ва афзалликлари, моддий ва маънавий манфаатдорлиги, жавобгарлиги, дунёқараши ва маданиятнинг умумий даражаси билан белгиланади.

Ўтказилган тадқиқотлар 20 йилдан сўнг Г. Беккернинг инсон ресурслари сифати рақобатдаги мувваффакиятни белгилайди, деган хulosаларининг тўғрилигини тасдиқлаган ва бу борада иқтисодий ўсиш омиллари қуйидаги кетма-кетликда жойлашган:

² Экономическая теория. Трансформирующаяся экономика: Учеб. пособие для вузов: под ред. проф. И.П. Николаевой. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – С. 401-415.

1. Ходимларни ўқитиш даражасини ошириш ҳисобига ва ишчи кучи сифатини яхшилаш орқали 2,1% таъминланган.

2. Капиталнинг ўсиши ҳисобига 0,5%.

3. Ахолининг ўсиши ҳисобига 0,4%.

Ушбу хуносалар ва тадқиқотлар янгиланаётган Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва олиб борилаётган испоҳотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамияти касб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ҳақиқатда «Иқтисодий ўсиш»дан янги парадигмага, яъни «Инсон тараққиётинга ўтишини кузатмоқдамиз. Шунинг учун Ўзбекистонда инсон омилини ривожлантириш зарурати иқтисодий ўсишнинг шарти сифатида ҳам, ушбу ўсишнинг мақсади сифатида ҳам кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий испоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тӯғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

Биринчидан, жойлардаги тизимили муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш орқали олиб борилаётган испоҳотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида туман ҳокимиятининг янги таркиби тузилмасини ишлаб чиқиш. Бунда Туман ҳокимиятида Стратегик режалаштириш бўлими ва

Аудит хизмати фаолиятини йўлга кўйиш;

Иккинчидан, тумандаги барча ташкилот ва мусассасаларга раҳбар тайинлашда бўлажак раҳбар ходимнинг раҳбар этиб тайинланишидан олдин мазкур ташкилот ёки мусассасанинг республика аппаратида камидан 6 ойлик малакавий амалиётни ўташ механизмини йўлга кўйиш;

Учинчидан, тумандаги барча ташкилот ва мусассасаларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва ушбу индикаторлар орқали ҳар чорақда раҳбар кадрлар фаолиятини баҳолаш механизмини жорий этиш;

Тўртинчидан, худуднинг барча ижро органлари фаолиятини КРН тизими бўйича баҳолаш ва ходимларни муносиб рағбатлантириш механизмини яратиш;

Бешинчидан, туманнинг ўзиға хос мавжуд имкониятларини билиш мақсадида «SWOT» таҳлил ўтказиш орқали унинг инновацион салоҳиятини аниқлаш;

Олтинчидан, Республикада ёшларнинг педагогика йўналишларига бўлган қизиқишиларни ошириш ва замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган педагог

кадрлар заҳирасини шакллантириш мақсадида тегишли вазирликлар ва идоралар биргаликда Олий таълим мусассасалари битурувчиларини иш билан таъминлаш демографиясини жорий этишини тавсия қиласиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дунё тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаги, инсон капиталига йўналтирилган маблағлар бошқа омилларга нисбатан ўзини кўпроқ оқлади. Буунги кунда интеллектуал тафаккурга эга бўлган салоҳиятили кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устувор вазифа сифатида қаралаётганлиги мамлакатимизнинг юксак тараққиётта эришишига хизмат қиласи. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни ҳамда олиб борилаётган испоҳотларнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва натижадорлиги янада оширилишини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан жорий қилинган маъмурий испоҳот концепциясини амалга оширишни тезлаштириш механизмини яратиш ва ишга тушириш талаб этилади.

ABSTRACTS

HUMAN CAPITAL IS A CORNERSTONE OF ECONOMIC STABILITY

The successful implementation of large-scale reforms at the current stage of the country's development is tied to loyal and potential personnel of the Motherland, who have excellent theoretical knowledge and practical skills, who can introduce into practice the experiences of leading foreign countries in coordination with national values. According to the author of the article, Human capital is the total sum of knowledge, experience, skills and abilities acquired in a particular person, and rational use of it is an important factor in the development of the state and society.

МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ



Элдор Акрамов,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки ҳузуридаги
«Гаров реестри» ДУК Бош
мутахассиси

Мамлакатимиз молия-банк тизимини халқаро стандартларга мос инфратузилма билан таъминлаш ҳамда кредиторлар манфаатларини янада ишончли ҳимоялаш мақсадида 2014 йилнинг июль ойидагаров реестри ташкил этилди. Гаров реестрини гаровдаги, шунингдек қарздорнинг мажбуриятлари бўйича ундирувга қаратилган мулклар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон «Эълонлар ойнаси», дейиш мумкин. Таъкидлаш керак, бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, бошқа хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар гаров реестри хизматларидан фойдаланмоқда.



Гаров реестри – бу қарздорларнинг гаровга берган мол-мулкига нисбатан кредиторларнинг ҳуқуqlари тўғрисидаги, шунингдек мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишига доир ҳуқуqlарига қонунга мувофиқ кўйилган чеклов ҳамда бошқа талабларнинг ягона ахборот базасидир.

Гаров реестридан фойдаланиш бир қатор афзаликларга эга. Жумладан, кредитор таъминотга қабул қилинаётган мол-мулк гаров сифатида фойдаланилаётганилиги тўғрисидаги ахборотни гаров реестри базасидан қисқа муддатда (тезкор) олиш имкониятига эга. Гаров реестридан фойдаланиш гаровга қўювчининг гаровдаги мол-мулкдан бошқа мақсадларда фойдаланишини чеклаган ҳолда кредитор ва холис сотиб олувлilar манфаатлари химоя қилинишига, шунингдек кредиторларнинг таваккалчилиги пасайишига ҳамда тадбиркорлик субъектларини мулк гарови остида кредитлаш имконияти кенгайишига

Гаров реестри – бу қарздорларнинг гаровга берган мол-мулкига нисбатан кредиторларнинг ҳуқуqlари тўғрисидаги, шунингдек мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишига доир ҳуқуqlарига қонунга мувофиқ кўйилган чеклов ҳамда бошқа талабларнинг ягона ахборот базасидир.

ва кредитлаш жараёни тезлашиига хизмат қиласди.

Гаров реестрини ташкил этишдан асосий мақсад:

- ◆ гаров тўғрисидаги маълумотларни йигиш;
- ◆ уларни фойдаланувчиларга тақдим этиш;
- ◆ кредиторларнинг гаровга бўлган устувор ҳуқуqlarini аниқлаш;
- ◆ кредиторлар таваккалчиликларини камайтириш ва гаров ҳисобига молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришдан иборатdir.

Гаров реестрини юритиш бўйича эришилган натижалар Халқaro молия корпорациясининг гаров реестри бўйича халқaro эксперплари

томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Гаров реестрини ташкил этишдан асосий мақсад, гаров муносабатларида бино, иншоотлар ва автотранспорт воситаларигина эмас, балки асбоб-ускуналар, инвентарь ва хомашё, дебитор қарзлар, интеллектуал мулк, қишлоқ ҳуҷалигининг кутилаётган ҳосили ва бошқа кўчар мулкларни қўллаш орқали молиялаштириш имкониятини кенгайтириш ва кредитлаш жараёнини тезлаштиришдан иборат.

Бугунги кунда исталган юридик ёки жисмоний шахс гаров реестридан интернет ахборот тармоғи garov.uz орқали исталган вақтда фойдаланиши мумкин.



ЎЗА фотоси.



ЎзА фотоси.

Сўнгги йилларда бозор ислоҳотларини изчил чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, иш билармонлик мухитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичи тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларига, инвестицияларни жалб этишга ва илғор бизнес лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмларига бўлган кучли эҳтиёжини юзага келтиримоқда.

Шу билан бирга, гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини кредит маблағлари қайтарилишининг кафолати ҳисобланган гаровдаги мол-мулк қийматидан қондириш тизимининг самарасизлиги кўшимча маблағ жалб этиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қонунчиликда белгилangan имконият бўлишига қарамай, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан

автотранспорт воситаларидан бошқа кўчар мол-мулкни гаров сифатида қабул килиш, шунингдек, гаров предмети қиймати кредит микдоридан анча кўп бўлса ҳам, навбатдаги гаровни қабул қилиш амалиёти кўлланилмаяпти.

Мамлакатда инвестиция мухитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 23 ноябрда қабул қилинган «Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш

механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4026-сон қарор ҳам кредиторлар, ҳам тадбиркорлар фаолиятини кўллаб-куватловчи ҳужжат эканлиги шубҳасиз.

Қарздорнинг бир ёки бир гурух мол-мулки бир пайтнинг ўзида бир нечта кредиторларда гаровга қўйилиши мумкин. Шундай ҳолларда, мазкур қарорга мувоғик, қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, мол-мулк ҳисобидан кредиторлар талабларини қондириш гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритилган санаға кўра календарь кетма-кетлигида амалга оширилади,

Гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини кредит маблағлари қайтарилишининг кафолати ҳисобланган гаровдаги мол-мулк қийматидан қондириш тизимининг самарасизлиги кўшимча маблағ жалб этиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мол-мулк харид қилинишини ушбу мол-мулкни гаровга олиш эвазига молиялаштирган кредитор гаров реестрига тегишили ёзувни киритган тақдирда қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда ушбу мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришда устувор ҳуқуқка эга бўлади.

яни гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига биринчи бўлиб ёзув киритган кредитор қарздорнинг гаровдаги мулки ҳисобидан ўз талабларини биринчи бўлиб (бошқа кредиторлардан олдин) қондиради ва шу тарзда талаблар календарь тартибда қондирилади.

Шунингдек, гаров мулки ҳисобидан ўз талабларини қондиришда гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредитор-гаровга олувчилар гаров реестрига тегишили ёзувни киритмаган кредитор-гаровга олувчиларга нисбатан устувор ҳуқуқка эга бўладилар. Ушбу ҳолат нафакат банк ва

қарздор ўртасидаги гаров муносабатларида, балки бошқа бизнес субъектлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг шартномавий мулкий муносабатларида ҳам учраши мумкин.

Мол-мулк харид қилинишини ушбу мол-мулкни гаровга олиш эвазига молиялаштирган кредитор гаров реестрига тегишили ёзувни киритган тақдирда қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда ушбу мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришда устувор ҳуқуқка эга бўлади.

Қарздор ўзининг гаровдаги мол-мулкини бошқа кредиторга навбатдаги гаровга қўйишига кредитор томонидан гаров

реестрига тегишили ёзувни киритиш шарти билан аввалги гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади. Бунда гаровдаги мол-мулкини навбатдаги гаровга олувчи кредитор, тақдим этилаётган мол-мулк аввалги гаровга олувчилар билан биргаликда ўзи олдидағи ушбу мол-мулк билан таъминланган қарздор мажбуриятларини қоплаш имкониятини ўрганиб чиқади.

Гаровга қўювчи гаровдаги мол-мулкини гаровга олувчининг розилигисиз изжарага бериши мумкин, бунинг учун ижара муносабатлари тўғрисида гаров реестрига тегишили ёзувни киритиши ва бу ҳақда гаровга олувчини хабардор этиши шарт. Бироқ гаров муносабатларида кўчар мулкларни гаровга олиш, шунингдек гаров ҳисобидан кредиторлар талабларини қондириш жараёнлари муракаблиги гаров реестрини юритишдан кутилган натижани бермади.

Қарздор ўзининг гаровдаги мол-мулкини бошқа кредиторга навбатдаги гаровга қўйишига кредитор-гаровга олувчи томо-



ЎзА фотоси.



ЎзА фотоси.

Гаров реестридаги ахборотни қарздор солик тўловчининг идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш мумкин.

нидан гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш шарти билан аввалги гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади.

Бунда гаровдаги мол-мулкни навбатдаги гаровга олувчи кредитор, мол-мулк аввалги гаровга олувчилар билан биргаликда ўзи олдидаги ушбу мол-мулк билан таъминланган қарздор мажбуриятларини қоплаш имкониятини ўрганиб чиққан ҳолда мустақил қарор қабул қиласди.

Бундан ташқари, қарорга мувофиқ ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, гаров предмети ёки кредиторнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш предмети сифатида қўйилган кўчар мол-мулкка ундирувни қаратишга суд буйруғи институти татбиқ этилиши белгиланган.

Гаров реестридаги ахборотни қарздор солик тўловчи-

нинг идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш мумкин. Гаров реестрининг жорий этилиши кредиторлар ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига хизмат қиласди, чунки гаров мулки банк учун кредит таваккалчилигини пасайтиrsa, қарз олувчи учун қарамоғидаги мол-мулкни гаровга қўйиш эвазига кулагай, тез ва максимал даражада кредит олиш имконини беради. Мазкур қоида гаров муносабатларида гаров мулкига бўлган кредиторлар талабларини қондириш имкониятларини ошириш билан биргаликда кредиторларнинг таваккалчилиги пасайшига ҳамда тадбиркорлик субъектларини мулк гарови остида кредитлаш имконияти кенгайишига ва кредитлаш жараёни тезлашишига хизмат қиласди.

ABSTRACTS

FURTHER IMPROVEMENT OF THE INVESTMENT CLIMATE IN THE COUNTRY IS ONE OF THE FACTORS OF THE COUNTRY'S DEVELOPMENT

In order to provide the financial and banking system of our country with the infrastructure in accordance with international standards and to protect the interests of creditors more reliably, a Pledge register was established in July 2014. The Pledge register can be called an electronic "Announcement board" with information on the properties that are under the pledge, as well as on the obligations of the debtor. The author, who is an employee of the sphere, talks about the advantages of using the service of Pledge register by commercial banks, microcredit organizations and pawnshops, other economic entities and the individuals.

РЫНОК МЕЖДУНАРОДНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ЕВРООБЛИГАЦИИ УЗПРОМСТРОЙБАНКА



Шерзод Усмонов,
главный специалист
Центра бизнес-аналитики
АКБ «Узпромстройбанк»

25 ноября 2019 г. АКБ «Узпромстройбанк» разместил свои еврооблигации в размере \$300 млн. на Лондонской фондовой бирже с купоном в 5,75%. Это был первый случай размещения корпоративных еврооблигаций в истории Узбекистана, и он послужил «бенчмарком» для других банков страны. С момента эмиссии спрос на еврооблигации Узпромстройбанка постоянно растет, а доходность еврооблигаций банка составляет 4,75%.



На доходность корпоративных еврооблигаций влияет международная конъюнктура, которая включает динамику процентных ставок центральных банков, ставку по суверенным бондам, политическую ситуацию, мировой экономический рост и др.

ПРОЦЕНТНЫЕ СТАВКИ ЦЕНТРАЛЬНЫХ БАНКОВ МИРА

30 октября Федеральная Резервная Система (ФРС) снизила базовую процентную ставку на 25 б.п. – с 2% до 1,75% и с 1,75% до 1,5%. После снижения ставок в ближайшее время ФРС намерена занять наблюдательную позицию, то есть ставка ФРС не изменится в ближайшем будущем (Диаграмма 1). По прогнозу и ожиданию ФРС, последующие изменения могут произойти во второй половине 2020 года, предположительно это будет повышение ставок на 25 б.п.

Также Центральный банк России приостановил изменения процентных ставок, объяснив это необходимостью наблюдения влияния предыдущих пяти изменений процентных ставок за 2019 год на макроэкономику страны.

В свою очередь, Европейский Центральный Банк (ЕЦБ) приостановил снижение процентных ставок в конце 2019 г. По словам нового главы ЕЦБ К. Лагард, которая ранее поддерживала отрицательные ставки, монетарная политика исчерпала свои возможности, а длительное сохранение отрицательных ставок по депозитам может серьезно повредить банковскому сектору Европы. Учитывая эти факторы, в 2020 году ЕЦБ может сменить политику на повышение ставок по депозитам.



Источник: Thomson Reuters.




Источник: Thomson Reuters.



Источник: Thomson Reuters.



Источник: Thomson Reuters.



Источник: Thomson Reuters.

РЫНОК МЕЖДУНАРОДНЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ (СУВЕРЕННЫХ) ОБЛИГАЦИЙ

Доходность облигаций стран со стабильным кредитным рейтингом в 2019 году показала нисходящую тенденцию, но к четвертому кварталу наблюдалась коррекция в сторону повышения среди 10-летних государственных облигаций стран с развитой экономикой. Наиболее волатильными были долговые бумаги Германии, которые подверглись существенной коррекции в конце 2019 г. (Диаграмма 2).

Доходность суверенных еврооблигаций стран СНГ в 2019 году также показала нисходящую тенденцию, за исключением Таджикистана. В отличие от государственных облигаций стран с развитой экономикой, доходность суверенных еврооблигаций стран СНГ к концу 2019 года продолжила снижаться, а их средняя доходность в 2019 году, за исключением Таджикистана и Украины, составила 3,21% (Диаграмма 3).

Основными факторами снижения доходности мировых еврооблигаций и их волатильности за 2019 год послужили политика снижения процентных ставок ФРС и ЕЦБ, торговая война между Китаем и США, а также неопределенность по брекситу. Причиной расхождения направления динамики доходностей государственных долговых бумаг между странами СНГ и странами с развитой экономикой (Европа, США и Япония) является переход инвесторов на более рискованные активы со спекулятивным рейтингом, которыми являются бумаги стран СНГ.

ДИНАМИКА ДОХОДНОСТИ ЕВРООБЛИГАЦИЙ УЗПРОМСТРОЙБАНКА

Еврооблигации Узпромстройбанка имеют рейтинг BB по Fitch и S&P, что равно суверенному рейтингу республики. Следовательно, для сравнения были выбраны корпоративные эмитенты стран СНГ и Турции с рейтингом BB (Диаграмма 4).

Сектор корпоративных облигаций стран СНГ в текущем году последовал за тенденцией суверенных долговых бумаг. В 2019 году доходность у корпоративных эмитентов снизилась, так же как и доходность государственных облигаций.

Еврооблигации Узпромстройбанка пользуются хорошим спросом среди инвесторов при текущей конъюнктуре рынка, а их доходность существенно снизилась с момента выпуска. Так, на 23 января т.г. доходность еврооблигаций составляет 4,75%, а цена – 104,25% от номинала.

На основе вышеуказанных корпоративных облигаций стран СНГ и Турции, у которой суверенный рейтинг равен BB, был создан бенчмарк-индекс с целью сравнения и анализа еврооблигаций Узпромстройбанка. В анализ вошли еврооблигации следующих финансовых организаций: Yapi ve Kredi Bankasi (Турция), TBC (Грузия), Кернел холдинг (Украина), Московский кредитный банк (Россия) и лизинговая компания ГТЛК (Россия) с кредитными рейтингами. Текущая средняя доходность данных бумаг составляет 4,52%.

Для определения инвестиционной привлекательности еврооблигаций Узпромстройбанка, бенчмарк-индекс был разделен

на индексы с учетом и без учета евробондов банка. Анализ показывает, что индекс с учетом еврооблигаций банка является более привлекательным, так как его доходность растет более быстрыми темпами по сравнению с бенчмарком. На 10 января 2020 г. данный показатель составил 2,50% против 2% бенчмарка (Диаграмма 5).

Коэффициент корреляции между индексами (0,974) показывает очень сильную связь между ними. Также индекс PSB yield имеет следующие преимущества перед индексом бенчмарка:

- ◆ Коэффициент Трейнора 0,199% против 0,164% (коэффициент Трейнора показывает соотношение средней доходности портфеля, превышающей безрисковую процентную ставку, к систематическому риску).

- ◆ Коэффициент Шарпа 10,149 против 8,551 (коэффициент Шарпа показывает эффективность инвестиционного портфеля (актива), которая вычисляется как отношение средней премии за риск к среднему отклонению портфеля. Чем выше этот показатель, тем эффективнее управляемый портфель с точки зрения сочетания доходности и риска).

- ◆ Коэффициент Сортино 8,966 против 8,467 (показатель, позволяющий оценить доходность и риск инвестиционного инструмента, портфеля или стратегии).

ПРОГНОЗ КОТИРОВОК ЕВРООБЛИГАЦИЙ УЗПРОМСТРОЙБАНКА

Исходя из проведенного анализа можно утверждать, что при хорошей мировой конъюнктуре и соответствующих финансовых результатах по МСФО, спрос на еврооблигации Узпромстройбанка будет расти. При этом, для более точного анализа и прогнозирования доходности еврооблигаций банка, а также определения доверия со стороны инвестора, необходимы данные за более длительный период.

Текущий конфликт между США и Ираном ускорил падение доходности еврооблигаций в мире. В долгосрочной перспективе, при условии сохранения текущих тенденций на мировых финансовых рынках, а также дальнейшем переходе инвесторов на более рискованные активы, такие как облигации с более низким рейтингом (продолжение сужения спредов), еврооблигации банка имеют хороший потенциал для роста их цены и снижения доходности.

ABSTRACTS

INTERNATIONAL BONDS MARKET: EUROBONDS OF UZPROMSTROYBANK

In November last year, JSCB Uzpromstroybank placed its Eurobonds on the London Stock Exchange. This was the first time corporate bonds were placed in the history of Uzbekistan, and it served as a "Benchmark" for other banks in the country. Since the issue, the demand for Uzpromstroybank Eurobonds has been constantly growing, and the yield has been declining. The author's article is in contact with the President's statements in his Address to the Oliy Majlis regarding Eurobonds.

ОМОНАТЛАР – БАНКЛАР ДЕПОЗИТ ПОРТФЕЛИНИНГ ИШОНЧЛИ МАНБАСИ

Банклар депозит портфелини барқарор депозитлардан шакллантириб, ликвидликни таъминлаши ҳамда мақбул таваккалчилик чегарасида кўзланган даромад олиши соғлом фаолият омили эканлиги маълум. Афсуски, тижорат банклари депозит портфели шаклланиши манбалирининг муддатлари ва ҳажмларига номувофиқ равишда йирик ҳажмда даромад келтирувчи активларга жойлаштирилиши, яъни ўтиш даврининг ўзгарувчан шароитларида банк активлари ва пассивларининг фонdlарни тақсимлаш усулига амал қилинmasлиги ҳолатлари учраб туради. Айниқса, ресурсга бўлган талабнинг кескин ортиши тенденцияси сақланганда банклар ликвидлик даражасининг мақбул ҳолатини таъминлаши жараёнида юқори фоизлар билан жалб қилинган депозитлар банкнинг молиявий ҳолатини узоқ муддат давомида мураккаб аҳволга солиб қўйиши ачинарли ҳолдир. Бинобарин, жалб қилинган ресурслар тижорат банклари актив операцияларининг «пойдевори» бўлиб хизмат қиласди.

Тадбиркорлик ва бизнесга давлат томонидан кенг имкониятлар яратилиши банкларнинг узоқ муддатли кредитларига бўлган талабни янада оширади. Хусусан, янгидан ташкил қилинаётган бизнес субъектларининг бозорга кириши ва ўз ўрнига

эга бўлиши, рақобатга мослашиши, бизнес лойиҳасини мустаҳкамлаши узоқ муддатли банк кредитларига бўлган талабни оширади.

Иқтисодиётнинг баъзи соҳаларида юқори рентабелли бизнес фаолиятларининг мавжудлиги, бозорнинг маҳсулотлар ва хизматларга тўйинмаганлиги ушбу соҳаларда фаолият юритувчи субъектлар томонидан банк кредитларига талаб ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларида депозитларга, жумладан, унинг бир қисми саналувчи банк омонатларига бўлган талабнинг ортиши ҳисобига банклар ўртасидаги рақобат шароитида депозит(омонат)ларнинг фоизлари ортишини рағбатлантириладиган активларнинг фоиз ставкалари нисбатан оширилишига олиб келади.

Ушбу тенденция оқибатида банк кредитларидан фойдаланувчи ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар, айниқса, экспортёrlарнинг маҳсулотлари ва хизматларининг банкларнинг нисбатан йирик фоизли кредитлар таклифи ҳисобига таннаххи ортиши ва пировардида ички бозорда маҳсулотлар ва хизматлар баҳосининг ўсиши, бу эса инфляциянинг рағбатлантирилишига олиб келиши, ички ишлаб чиқарувчи экспортёр корхоналар маҳсулотлари таннахининг ортиши ҳисобига уларни ташки бозорда рақо-



Жамолиддин Одилов,
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
Жамғарма ва валюта
амалиётлари
бошқармаси бошлиғи,
ТМИ илмий тадқиқотчиси

Жадвал					
АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» омонатлари қолдиги (млн. сүмда)					
№	Кұрсаткичлар	2017 ыил	2018 ыил	2019 ыил	2020 ыил якунинга күтилаёттеган натижага
1	Жами омонатлар қолдиги	416	545	645	770
3	Муддатли омонатлар қолдиги	303	375	481	615
3.1	Жами омонатларда мұддатты омонатлар улуши, фоизда	73%	69%	75%	80%
4	Муддатсыз омонатлар қолдиги	113	170	164	155
4.1	Жами омонатларда мұддатсыз омонатлар улуши, фоизда	27%	31%	25%	20%
2	Узоқ муддатты омонатлар қолдиги	17	141	380	500
2.1	Жами омонатларда узоқ муддатты омонатлар улуши, фоизда	4%	26%	59%	65%

Манба: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» маълумотлари.

батбардошлигига путур етиши хавфини келтиріб чиқаради.

Банк депозитлари таркиби саналған ахоли омонатларининг тијорат банкларига жалб қилиниши ҳажмининг ўсишига, биринчидан, фуқароларнинг банклардаги омонатлар қонун билан кафолатланғанлиги, иккінчидан, ахоли учун банклар томонидан омонатларнинг кулай ва жозибадор турлари тобора күпроқ тақлиф этилиши турткы беради. Бунда ахолининг омонатлардаги пул жамғармаларидан реал (инфляция таъсиридан ташқари) даромад олиш имконияти жуда мұхим ҳисобланади. Пул бирлиги қадрсизләнishi билан боғлиқ маълумотларнинг очиқлиги, шу боис ахоли томонидан даромадларни нисбатан аниқ истиқболлаштириш имконияти мавжудлигига қарамай, ахолининг банклардаги омонатларга бүш пул маблағларини имкон кадар қысқа муддаттаға ва юқори фоизда жойлаштиришга мойиллиги катта.

Банкнинг депозит базасынін барқарор манба (омонат)лардан шакллантириш, банк ишчи активларининг омонатлар ҳажмі ва муддаттага мувофиқлигини таъминлаш бўйича «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тијорат банкнинг

2018-2019 йилги фаолиятида омонатлар таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида салмоқлы ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, узоқ муддатли омонатлар улуши 2017 ыил якунинга жами омонатларнинг атиги тўрт фоизини ташкил қилган бўлса, 2018 ыил якунинга келиб йигирма олти фоизга, 2019 ыил якунинга келиб эса 59 фоизга етди. Микдорий кўринишда 2017 йилдаги 17 млрд. сўмдан охирги иккى йил мобайнида 380 млрд. сўмга етди. Биргина 2019 ыил мобайнида банк томонидан узоқ муддатли омонатларнинг микдорини 270 фоизга (2,7 барабарга) оширишга эришилди.

Банк омонатлари бўйича бундай натижаларга эришишнинг сабаби банк томонидан жорий қилинган ҳар бир омонатда ахоли учун ўзига хос кулагилик ва жозибадорлик му-

жассамлашганлиги, шунингдек, банк филиаллари орқали аҳолининг талаблари, қизиқишилари мунтазам равишда ўрганиб борилганлиги, банк томонидан тақлиф этилаёттеган омонатларда қулагиликлар билан бир қаторда омонатлар бўйича фоиз тўловларининг муддатларига мувофиқ равишда белгилангани билан изохланади. Шунингдек, омонатчи томонидан пул маблағлари муддатидан олдин қайтариб олинган тақдирда банк ва омонатчи манфаатлари ўйғунлаштирилган ҳолда пул жамғармаларининг амалда сақланған муддатларига мутаносиб равишда маълум фоиз тўловларини амалга ошириш жорий қилинганлиги, унда банкнинг ликвидлик хатари ҳам ҳисобга олинган ҳолда муддатидан олдин қайтариб олингаёттеган омонатлар бўйича банк омонати шартномасида

Банк депозитлари таркиби саналған ахоли омонатларининг тијорат банкларига жалб қилиниши ҳажмининг ўсишига, биринчидан, фуқароларнинг банклардаги омонатлари қонун билан кафолатланғанлиги, иккінчидан, ахоли учун банклар томонидан омонатларнинг кулай ва жозибадор турлари тобора күпроқ тақлиф этилиши турткы беради.

Бугунги кунда аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилишда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фондига омонатлар қолдигининг 5 фоизига етгунга қадар тўланадиган календарь бадал тўловларининг нисбатан юқорилиги банкларнинг манфаатларига маълум даражада салбий таъсир кўрсатаётгани сабабли юридик шахсларнинг маблағларини депозитларга жалб қилиш аҳоли омонатларига нисбатан манфаатлироқ бўлмоқда.

келишилган фоиз ставкасининг эллик фоизидан саксон фоизигача тўлов амалга оширилаётганини мижозлар учун кулайлик туғдириб, банкка бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБда банк омонатчилари маблағларининг бутлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини банкдаги омонатларга жалб этиш бўйича омонатчиларни бармоқ излари асосида биометрик идентификациялаш тизими йўлга қўйилган. Бу усул омонатчиларнинг бевосита

иштироки асосида уларнинг омонатларидаги маблағлар бўйича амалиётлар бажариш имкониятини беради ҳамда омонатларнинг дахлсизлигини таъминлашда мухим омиллардан саналади. Шунингдек, омонатчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ва банкдаги омонатларни масофадан бошқариш учун банкнинг «Депозит банкинг» масофавий дастурий тизими ҳам амалиётга жорий қилинган.

Банк томонидан мижозлар сонини кўпайтириш, аҳоли учун яратилаётган қулайликлар кўламини янада кенгайти-

риш орқали депозит базасини мустаҳкамлаш бўйича банк омонати дафтарчаси ўрнида кўплаш имкониятини берувчи «Депозит карта»ни 2020 йилда амалиётга киритиш, шунингдек, банк омонатлари бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш ҳамда банк хизматлари сифатини янада ошириш мақсадида банкнинг соддалаштирилган тартиби асосида депозит (омонат) операцияларини амалга оширишини сифат жиҳатдан ошириш мўлжалланган.

Бугунги кунда аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилишда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фондига омонатлар қолдигининг 5 фоизига етгунга қадар тўланадиган календарь бадал тўловларининг нисбатан юқорилиги банкларнинг манфаатларига маълум даражада салбий таъсир кўрсатаётгани сабабли юридик шахсларнинг маблағларини депозитларга жалб қилиш аҳоли омонатларига нисбатан манфаатлироқ бўлмоқда. Шунингдек, депозитларга, хусусан, омонатларга





белгиланган захира талаблари депозитлар (омонатлар)нинг муддатларига мувофиқ табакалаштирилмаганлиги банкларнинг депозит базаси жойлаштирилган активларга нисбатан номувофиқликни қисқартиришга ишлашини етарли дарадажада рағбатлантиримайди.

Юкоридагиларга асосланиб, банкларнинг депозит базалари барқарорлигини таъминлашда аҳолининг бўш пул жамғармаларини банклардаги омонатларга жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида куйидаги таклифларнинг амалга оширилиши ўзининг ижобий натижасини беради, деб ҳисоблайман:

1. Миллий валютада депозит (омонат)лар учун амалда белгиланган тўрт фоизлик захира талабини депозит (омонат)ларнинг муддатларига мувофиқ табакалаштириш механизмини амалиётда қўллаш орқали банкларнинг ликвидларини мақбуллаштириш. Масалан: 1-6 ойгача беш фоиз, 7-12 ойгача уч фоиз, 13-15 ойгача бир фоиз, 15 ойдан кўп бўлган омонатларга ноль фоиз белгилаш.

2. Кафолатлаш фондига ўтказиладиган календарь бадал микдорининг беш фоиз микдорида белгиланганлиги тижорат банкларининг тижорат ташкилоти эканлиги нұктаиназардан уларнинг манфаатларига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши, банкларнинг депозит базалари таннахига сезиларли таъсир этишидан келиб чиқиб, календарь бадал фоизини камайтириш бўйича Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш киритиш ёки банкларнинг ушбу Қонун талаби асосида сақланадиган маблағларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси микдорида фоиз тўловини амалга ошириш механизмини банк амалиётига жорий килиш орқали тижорат банкларининг омонатлар жалб қилишдан манфаатдорликларини ошириш. Бунинг натижасида банклар томонидан юқорироқ фоизда омонатлар жалб этилган холларда маблағларни активларга жойлаштиришда

активларнинг фоиз ставкаларини оширмаслик имконияти туғилади. Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига кредитларнинг мақбул фоиз ставкаларини таъминлашга хизмат қилиб, бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга қўшимча имконият яратади, деб ҳисоблаймиз.

ABSTRACTS

DEPOSITS AS RELIABLE SOURCE OF DEPOSIT PORTFOLIO OF BANKS

Forming the deposit portfolio of banks from stable deposits, ensuring optimal liquidity and obtaining income within the limits of acceptable risk is a generally accepted practice. Unfortunately, commercial banks often place them in income-generating assets, inconsistently with the terms and volumes of the sources of formation of the deposit portfolio. The author of the article shares his thoughts about this problem.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ СУҒУРТАСИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ: МАВЖУД МУАММО ВА ИМКОНИЯТЛАР

Суғуртга фаолияти мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган иқтисодий тизимлардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда ушбу соҳанинг келажакдаги ривожланиши истиқболи томон қўйилган мақсад мұқаррар равишда бутун иқтисодий тизимда узлуксиз ва самарали ислоҳотлар олиб боришни талаб этмоқда. Таъкидлаши жоизки, олдимизда турган ушбу мақсадларга бевосита миллий суғуртга бозорининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ҳамда таклиф этилаётган суғуртга маҳсулотларини хориж тажрибаси асосида диверсификациялаш орқали эришиши мумкин.

Тўлқин Бобоқулов,
и.ф.д., профессор,
Тошкент молия институти,
Ирода Норова,
Тошкент молия институти
2-босқич талабаси
(«Банк иши» мутахассислиги)

Бу борада сўнгги бир неча йил давомида шиддат билан ривожланиб келаётган исломий молия саноатининг асосий таркибини ташкил этувчи ислом суғуртга тармоғи ҳақида тўхталиш, унинг ҳалқаро миқёсдаги ривожланиши жараёнини таҳлил қилиш айни муддаодир. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси демографик жиҳатдан МДҲ мамлакатлари ичida 96,5% ёки қарийб 31 миллиондан ортиқ мусулмон аҳоли истиқомат қилувчи давлат¹ сифатида энг йирик улушни ташкил этганлиги боис, худуд-

Такафул – шариат қоидаларига мувофиқ ҳолда ишловчи, умумий жавобгарлик ва ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асосланган исломий суғуртга маҳсулоти.

да ислом молия саноатини ривожлантириш ва равнақ топтириш аҳолининг аксарият қисми, хусусан, ислом қоидаларига амал қиласидиган ва анъанавий молия хизматларидан қочадиган кишиларнинг мамлакат иқтисодиётидаги фаол иштирокини кенг миқёсда таъминлаш имконини беради. Шунингдек, ушбу тармоқ йўлга қўйилишининг яна бир долзарб жиҳати шундаки, бугунги кунда ҳар кандай молия институти ишлаш механизмларидан қатъи назар, ўзига тегишли бўлган ва жалб қилинган молиявий активларни суғурталашга эҳтиёж сезганлиги боис,

мамлакатимиз иқтисодиётига исталган ислом молия тармоғини жорий этишда ҳам бевосита ислом суғуртга маҳсулотларининг таклиф этилишига зарурат туғилади, жумладан, айни вақтда ҳалқимиз томонидан чуқур қизиқиш билдирилаётган ислом банк дарчаларининг очилишида ҳам.

Куръоннинг энг сўнгги сураларидан саналувчи «Моида» сурасида кишилар ўртасидаги битим мумалалари ҳақида алоҳида сўз юритилади: «Адолат ва тақво йўлида ҳамкорлик килинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ иқоби (азоби) шиддатли

¹ «Russia: Bridging new horizons», Islamic Finance in the Commonwealth of Independent States (CIS) Region, 2018.



CENTRE OF ISLAMIC BANKING AND ECONOMICS

In Association with



Association of Banks of
Uzbekistan



Association of Professional Participants
of the Insurance Market of Uzbekistan

Two Days Specialized Training Workshop on ТАКАФУЛ (Islamic Insurance)



зотдир². Ислом молиясининг хар қандай тармоғи, жумладан, суғурта тизими ҳам шариат қоидаларига асосланган ҳолда ишлайди ва, юқорида таъкидланганидек, хар қандай ҳамкорлик ўзаро тенглик, ишонч ва адолат тамойилларига асосланни лозимлигини кўзда тулади.

Такафул – шариат қоидаларига мувофиқ ҳолда ишловчи, умумий жавобгарлик ва ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асосланган ислом суғурта маҳсулоти. Ушбу тизим инновацион механизмларни ўзида жамлаган соҳа ҳисобланниб, бозор иқтисодиётининг бош мезонларига мувофиқлиги баробарида шариат қоидаларига асосланган ахлоқий тамойилларга эгалиги билан ажralиб туради. Ушбу тизимнинг яратилиш зарурияти ҳам айнан анъанавий суғурта билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамият аъзоларининг ҳаёт фаолияти давомида юз берishi мумкин бўлган кутилмаган йўқотишлар, зарар ва шу каби бошқа хавф-хатарлардан кафо-

„МАЪЛУМОТ

Мамлакатимизда «AlHuda» ислом банкинг ва иқтисодиёт маркази томонидан 2019 йил 5-6 август кунлари Такафул (Ислом суғуртаси)га ихтисослаштирилган маҳсус семинар-тренинг ўтказилди ва ушбу тренингда 20дан зиёд молия-банк, суғурта соҳалари мутахассислари фаол иштирок этдилар. Соҳа мутахассислари Ўзбекистонда ислом суғурта тизимини жорий этишининг мавжуд муаммолари ва истиқболлари ҳақида маълумотларга эга бўлдилар ва тадбир сўнгida, гуруҳ сифатида ўз фикрларини шакллантириб, тақдимотлар тайёрлаб тақдим этдилар.

латанишга бўлган эҳтиёжлари вужудга келишига бориб тақалади. Ушбу тизим дастлаб араб қабилалари томонидан жавобгарлик жамғармаси сифатида ташкил этилган, яъни бирор қабила бошқа қабила аъзоларига нисбатан адолатсизлик ёки жиноят содир этган тақдирда курсонлар ва уларнинг оиласига товон тўлаш мажбуриятини олганлар. Кейинчалик бу тармоқ бошқа кўплаб соҳаларни, жумладан, денгиз савдосини ҳам қамраб олди, аникроғи, гуруҳ аъзоларидан биронтаси савдо юзасидан саёҳати давомида бирор кўнгилсизликка учраган

тақдирда жамғарилган фонд маблағларидан маълум қисми ушбу шахсни молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлашга сарфланади. Ушбу тизимнинг анъанавий тизимдан фарқли жиҳатларини қўйидаги мулоҳазалар орқали ёритиб ўтамиш:

◆ анъанавий суғурта тизимида суғурта компанияси (суғурталовчи) ва мижозлар (суғурталанувчи) ўртасидаги муносабат асосий жиҳат сифатида қаралади. Ислом суғуртаси эса бундай муносабатлар асосига курилмаган, яъни унда иштирокчи (мижоз)ларнинг Такафул фонди фақат мижозлар-

² Абдулазиз Мансурнинг «Куръони Карим таржимаси ва шархи» китобидан фойдаланилди.

нинг ўзигагина тегишил бўлиб, суурта ҳодисаси рўй бериши ва бермаслигидан қатъи назар, юзага келиши мумкин бўлган зарар ва фойда мижозлар ўртасида тенг тақсимланади ва ўзаро шерикчиликка асосланади. Бу ҳолатда Такафул оператори фақатгина суурта компанияси томонидан ушбу жамғарманинг тўфири ва шаффоф бошқарилишини назорат қилишда иштирок этади. Исломда суурталашнинг мазкур усули «табарру» (аррабча «ҳадя, хайрия») таълимотига таяниб, бунда ҳар бир суурталанувчи мижоз тақафул шартномасининг бошқа иштироҷиларига, улар маълум бир кутилмаган хатарларга дуч келган тақдирда, самимий ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини ифодалайди. Қисқа қилиб айтганда, анъанавий суурта тизимида суурта полиси учун жалб қилинган суурта бадаллари кўп ҳолатларда суурта компаниялари учун даромад манбаига айланади, ислом сууртасида эса бу маблағлар бир томонлама келишувга асосланаб, бевосита иштироқчиларнинг Такафул фондига жамғарилади³;

◆ замонавий анъанавий суурта тизимида суурта таъминотчиси (суурта компанияси) полисларни сотади ва ўз даромадларини акциядорларнинг фойдасига инвестиция қиласди. Мазкур амалиёт тизимда суурталанувчилар ва компания акциядорлари ўртасидаги аниқ тафовут мавжудлигини кўрсатади ва бунда суурталанувчиларга тўловлар молиявий натижаларга қараб фарқ қи-

лиши мумкин, аммо компания ҳисобига минимал ижобий даромад доимо шартнома асосида кафолатланади⁴. Ислом суурта тизимида эса Такафул оператори (суурта компанияси) мудариб, яъни суурталанувчиларнинг тадбиркорлик вакили сифатида иштирок этади ва улар шериклидаги инвесторлар ҳисобланадилар. Шунингдек, жамғарма фондидаги заарлар ҳам, фойда ҳам суурталанувчилар орасида тенг тақсимланади ва полисдан олинандиган ижобий даромад юридик жиҳатдан кафолатланмайди, боиси, ҳар қандай олдиндан қатъий белгиланган фойда ислом нуқтai назаридан рибо саналади. Анъанавий суурта фаолиятининг яна бир жараёни, яъни жамғарилган суурта бадалларининг даромад олиш мақсадида инвестицион лойиҳаларга йўналтирилишида ҳам рибо элементи мавжуд бўлади, зеро анъанавий инвестиция фаолияти ҳам олдиндан шартнома асосида аниқ белгиланган фоизлилик тамоилии асосида ишлади. Бу тақафул компанияларининг инвестиция фаолияти орқали даромад олмаслигини билдирамайди, зеро иккитизим ҳам айнан бир кўринишда маблағларини даромад олишга йўналтирадилар, фақат

такафул тизимида инвестицион фаолият фойда ва заарга тенг шерик бўлиш асосида шариат қоидаларига зид бўлмаган ҳолатда, исломий банклар ёки инвестицион фаолият билан шуғулланувчи бошқа исломий молия институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади;

◆ суурта фаолияти барча иқтисодий соҳалар ичida нисбатан кўпроқ ноаниқ, спекулятив ҳолатларни ўз ичига оладиган иқтисодий жараён ҳисобланаби, шартнома тузилиши давриданоқ, сууртоловчи ҳам, суурталанувчи ҳам юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмайдилар, сабаби, уларнинг ютиш ёки ютказишлари бевосита суурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимолига боғлиқ бўлади. Анъанавий тизимнинг ишлаш механизмига мувофиқ, суурта компаниялари суурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини фақатгина суурта ҳодисаси рўй берган тақдирда бажарадилар, аксинча бўлганда эса, жамғарилган суурта бадалларини компания фойдасига суурта мукофоти сифатида қабул қиласидар ва уни даромад олиш мақсадида бирор лойиҳани молиялаштиришга йўналтирадилар. Бунинг

Ислом сууртаси тизимида Такафул оператори (суурта компанияси) мудариб, яъни суурталанувчиларнинг тадбиркорлик вакили сифатида иштирок этади ва улар шериклидаги инвесторлар ҳисобланадилар.

³ The official website of Institute of Islamic Banking and Insurance: www.islamicbanking.com.

⁴ ўша жойда.

Статистик таҳлилларга таянган ҳолда, Такафул саноатининг жорий ҳолати ва бу соҳада сўнгги ўн йилликда эришилган юқори ўсиш тенденциялари унинг бугунги кунда жаҳонда самарали суғурта тизими сифатида исломий молиялаштиришнинг асосий тармоғига айланишида энг катта турткни бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

натижасида эса, кутилмаган суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, суғурта компаниясининг қоплама тўлаш учун талаб қилинадиган пул маблағларига эга бўлишидаги ноаниқлар юзага келади. Исломий жихатдан қаралса, молиявий шартномаларда ва хизмат кўрсатиш жараёнидаги шу каби ноаниқ вазиятларнинг мавжудлиги шариат қоидаларига зид бўлган яна бир элемент – ғарар мавжудлигини кўрсатади;

◆ анъанавий суғурта шартномасида шариат қоидаларига зид бўлган яна бир элемент – майсир (қимор, чайқовона фаолият) мавжуд бўлиб, бунинг асосий изохи мижозлар томонидан тўланган суғурта бадалининг ҳеч қандай меҳнатсиз ҳам ортиғи билан қайтиш эҳтимоли мавжудлиги ва уларнинг бу борадаги фойдаси омад ва тасодифга асосланишидир. Майсирнинг асосий мазмуни шундаки, ҳар қандай ҳолатда ҳам бир томоннинг фойдасига иккинчи томоннинг зарари хисобига эришилади ёки аксинча. Суғурта муносабатларини ҳам суғурта ҳодисаси рўй беришига боғлиқ ўйинга қиёслаш

мумкин⁵. Аникроқ айтадиган бўлсак, суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, суғурталовчи суғурталанувчига маълум бир миқдордаги маблағни тўлаб бериш натижасида зарар кўради, агарда суғурта ҳодисаси рўй бермаса, суғурта қилдирган мижоз тўлаган суғурта бадалининг ўрнини қоплай олмайди ва ютқазади. Анъанавий суғурта тизимида бу ҳолатга рисклар трансформацияси сифатида қаралади. Исломда исталган молиявий шартномада ушбу элемент мавжуд бўлиши таққланиб, ислом суғурта фаолияти бунинг ечими сифатида суғурта компанияси ва мижозлар фондининг алоҳида ажратилиши, деб хисоблайди. Бунинг амалиёти шундан иборатки, мижозлар суғурта бадалини тўланган пайтдаёқ уларнинг маблағлари умумий фонд – Такафул иштирокчилари фондида жамғарилади⁶. Такафул оператори фонддаги маблағларни бошқариш, рискларни тақсимлаш ва шу каби бошқа бошқарув масалалари юзасидан жамғармадан Wakala бадалини шакллантиради, бунинг натижасида компания ва мижозлар фонди

ажратиласи. Куйидаги расмда Такафул компаниярининг ишлаш механизмлари кетма-кетлик асосида тасвиранланган (чизма).

Статистик таҳлилларга таянган ҳолда, Такафул саноатининг жорий ҳолати ва бу соҳада сўнгги ўн йилликда эришилган юқори ўсиш тенденциялари унинг бугунги кунда жаҳонда самарали суғурта тизими сифатида ислом молиясининг асосий тармоғига айланишида энг катта турткни бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Тармоқнинг 2011-2017 йиллардаги умумий ялпи ҳажми ўртача йиллик ўсиш суръати 6,9%ни ташкил этиб, 15,23 млрд. АҚШ долларидан 26,1 млрд. АҚШ долларига етган. Айни вақтда ушбу тизимни жорий этишда энг катта улушни (қарийб 45%) 11,7 млрд АҚШ доллари билан Форс Кўрфази Ҳамкорлик Кенгаши Иттифоки мамлакатлари таркибида бўлган Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн ва бошқа давлатлар амалиёти ташкил этмоқда⁷. Куйидаги диаграммаларда Такафул маҳсулоти ялпи ҳажми миқдорининг асосий миңтақалар бўйича улуши (1-диаграмма) ҳамда ушбу худудлар таркибига киравчи алоҳида олинган давлатлар миқёсидаги кетма-кетлиги (2-диаграмма) тасвиранланган.

1-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадики, Форс кўрфази ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг такафулдаги улуши нисбатан юқори салмоқни эгаллай-

⁵ Ерлан Байдулетнинг «Исломий молия асослари» китобидан фойдаланилди.

⁶ Беккин Р.И. Исломий суғурталаш (такафул): ўкув кўйлланма.

⁷ IFSB Secretariat Workings.

Гарчи ислом сұғұртаси (Такафул) сектори ислом молия саноатининг атиги 2% улушини ташкил этса-да, бугунги кунда жаҳонда 30бтадан зиёд тақафул институтлари фаолият юритиб, 45дан ортиқ мамлакат ўз ҳудудида ушбу тармоқ ривожланиши юзасидан махсус шариатга асосланган йўриқномаларни ишлаб чиқмоқда.



Манба: AlHuda Ислом банкинг ва иқтисодиёт маркази» материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ди. Бу эса Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қатар давлатларида ислом молия саноати ривожланиш даражасининг нисбатан юқори эканлиги билан изоҳланади.

Гарчи ислом сұғұртаси (Такафул) сектори ислом молия саноатининг атиги 2% улушини ташкил этса-да, бугунги кунда жаҳонда 30бтадан зиёд тақафул институтлари фаолият юритиб, 45дан ортиқ мамлакат ўз ҳудудида ушбу тармоқ ривожланиши юзасидан махсус шариатга асосланган йўриқномаларни ишлаб чиқмоқда. БАА, Баҳрайн ва Саудия Арабистони ҳудудларида мустақил молия институтлари, жумладан, Дубай ҳалқаро молия маркази ва Қатар молия марказлари томонидан ислом сұғұртаси (Такафул) амалиёти жараёнида капиталга бўлган талабни, техник захирашларни хисоблаш асослари ва уларнинг актуар, янни риск ва ноанникларни хисоблашга йўналтирилган молиявий таҳлиллар текширувни ҳамда активларни тақсимлаш чегараларини ҳал этиш учун бир қатор янги кўлланмалар тақдим этилди. Уммон давлатида капитал бозори маъмурияти томонидан кичик фирмалар ўртасида бирлашишин рағбатлантириш ва шу орқали суғұрта бозорини янада кучайтириш учун таваккалчиликка асосланган капиталга нисбатан қатый талабларга эга бўлган назорат тизи-

Мамлакатимизда йиллар давомида амалда бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ишлаб келаётган анъанавий суғурта тизимига қўшимча равиша яна бир буткул янги тизимнинг ташкил этилиши кўплаб иқтисодий тармоқларда туб ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади.

ми жорий этилди⁸. Аҳамиятли жиҳати шундаки, суғурта фаолияти қадим-қадимдан тараққий этиб келаётган соҳа бўлсада, Такафул сектори ислом молия саноатининг нисбатан янги маҳсулоти ҳисобланади ва у сўнгги йилларда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги самарали амалиёти билан жаҳон иқтисодиёти этиборини қозонмоқда.

Албатта, мамлакатимизда йиллар давомида амалда бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ишлаб келаётган анъанавий суғурта тизимига қўшимча равиша яна бир буткул янги тизимнинг ташкил этилиши кўплаб иқтисодий тармоқларда туб ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Мамлакатимиз МДҲ давлатлари ичida энг кўп мусулмон аҳолига эга давлат сифатида ислом молиясини йўлга кўйиш учун катта имкониятларга эга худуд сифатида тан олинаётган бўлса-да, ҳозирги кунда иқтисодиётимизда деярли ҳеч бир ислом молия тармоғи тўлиқ йўлга кўйилмаганилиги ушбу тизимни жорий этишда олдимизда ечилиши керак бўлган бир қанча муҳим муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Улардан энг асосийси сифатида мамлакатимизда ислом молияси тизимини жорий этишга қаратилган



Манба: *Islamic Financial Services Industry Stability Report 2019*.



Манба: *Reuters Islamic Finance Development Report 2018, Islamic Financial Services Stability Report 2019*.

⁸ *Islamic Financial Services Industry Stability Report 2019*.

махсус лойиҳа ва йўрикномаларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганиги, шунингдек, фаолиятни тартибга солувчи конун ва мөъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда маҳаллий солиқ, банк-суғурта фаолияти ва бошқа анъанавий иқтисодий қонунчиликда ислом молияси тизими ўзига хосликлари инобатга олинмагани ва унинг табларига мослашмаганигини келтириш мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида ислом молияси, жумладан ислом суғурта (такафул) тизимига ихтисослашган таълим муассасаларининг мавжуд эмаслиги ва ислом суғуртаси (такафул) маҳсулотлари билан ишловчи тажрибали ходимлар тақчиллиги ҳам бу соҳанинг келажакда кутилаётган юқори самарадорлик даражаси пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Ислом суғурта тизимини жорий этишда бошқа мураккабликлар ҳам мавжуд бўлиб, бунинг асосида мижозларнинг суғурта бадаллари асосида ташкил этилган иштирокчиларнинг Такафул фондини ислом молияси тамоилларига асосан даромад олишга йўналтириш масаласи ётади, бу эса, ўз навбатида, шариат қоидаларига асосланган инвестиция фаолиятини

йўлга қўйиш юзасидан ислом банк иши тамоилларида фАО-ият юритувчи банкларни ҳамда ислом молияси маҳсулотларини таклиф этувчи молия муассасаларини ташкил этишини талаб қиласди.

Юқорида келтирилган муаммолар айни вақтда айниқса долзарб ҳисобланса-да, уларнинг барчаси ўрнатилган жорий иқтисодий муносабатларга асосланади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммолар ҳам долзарб ҳисобланниб, бу бевосита фуқароларнинг ушбу тизимга бўлган муносабатини кўзда тутади. Агар мамлакатимиз ислом молия тизимини йўлга қўйишида чегарадош давлатларга нисбатан ортда қолаётгани сабабларини таҳлил қиласиган бўлсак, буни, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг ilk ривожланиш даврларида айрим иймони ва маънавияти суст бўлган фуқаролар томонидан ислом динининг хотўғри талқин қилиниши оқибатида юзага келган мудхиш воқеалар натижасида мамлакатимизнинг диний муносабатларга нисбатан эҳтиёткорлиги билан изоҳлаш мумкин. Лекин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятимиз аъзолари бугунги кунда етар-

лича диний билимларга эга бўлишга интилиб, тарбия масалаларида ҳам айнан ислом ахкомларига таянаётганлиги ҳам бугунги бозор иқтисодиётiga асосланган даврда, молиявий муносабатларда ҳам айнан адолат, шерикчилик, ўзаро тенглик тамоилларига асосланган тизимни йўлга қўйиши мизда катта туртки бўлади.

Гарчи миллий иқтисодиётимизда ислом молияси саноатининг жорий этилишида бир қанча долзарб муаммолар мавжуд бўлса-да, бу соҳада ҳукуматимиз ва соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган жадал ислоҳотларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 5 марта «Ислом тараққиёт банки гурухи ва Араб мувофиқлаштириш гурухи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4224-сон қарори асосида мазкур ташкилотлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Харакатлар режаси («Йўл ҳаритаси»)нинг тасдиқланиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 23.05.2019 йилдаги «Ислом тараққиёт банки гурухи ва Араб мувофиқлаштириш гурухи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги 428-сон қарори эълон қилиниши⁹ ҳам, шубҳасиз, давлатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга бўлган катта қизиқиш ва иштиёқдан дарак бермоқда. Бутун жаҳон иқтисодиётидаги энг самарали ва жадал ривожланаётган тизим сифатида катта қизиқиш ва саволларга сабаб бўлаётган

Мамлакатимиз ҳудудида ислом молияси, жумладан ислом суғурта (такафул) тизимига ихтисослашган таълим муассасаларининг мавжуд эмаслиги ва ислом суғуртаси (такафул) маҳсулотлари билан ишловчи тажрибали ходимлар тақчиллиги ҳам бу соҳанинг келажакда кутилаётган юқори самарадорлик даражаси пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

ислом молия саноатини бизнинг давлатимизда ҳам жорий этиш зарурияти нуктаи назаридан табиий бир савол туғилади: «Мамлакатимизда ислом суфурта маҳсулотларини таклиф этиш миллий иқтисодиётимиз тараққиёти учун қанчалик аҳамиятли? Бу тизим давлатимизнинг жаҳон миқёсида тутган ўрнига қанчалик таъсир кўрсатади?» Дунёдаги жамики мусулмон ва мусулмон бўлмаган мамлакатларда бирдек ҳалол ва самарали даромад келтираётган ҳамда ўзида реал активларга асосланган молиялаштириши намоён этиш баробарида жаҳонда вужудга келаётган иқтисодий инқизорзларга нисбатан таъсирчан бўлмаган ислом молияси мамлакатимиз учун ҳам жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнини жадаллаштиришга кўмаклашган бўлур эди.

Юртимизда Ислом тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси, ОПЕК жамғармаси, Абу-Даби ривожланиш жамғармаси ва Саудия тараққиёт жамғармалари томонидан таклиф этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига эришиш адолат ва шерикчиликка асосланган тизим сифатида фуқароларимизнинг ислом молия институтларига бўлган ишонч ва эътиборини мустаҳкамлашда катта турткни бўлувчи қадамдир. Биз Такафул маҳсулотини таклиф этиш орқали давлатимизда ислом молия саноатининг барча тармоқлари ривож топиши учун илк қадамни ташлаган бўламиз, зеро ислом молиясининг



Юртимизда Ислом тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси, ОПЕК жамғармаси, Абу-Даби ривожланиш жамғармаси ва Саудия тараққиёт жамғармалари томонидан таклиф этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига эришиш адолат ва шерикчиликка асосланган тизим сифатида фуқароларимизнинг ислом молия институтларига бўлган ишонч ва эътиборини мустаҳкамлашда катта турткни бўлувчи қадамдир.

асосий таркибини ташкил этувчи ислом банклари ҳам, ислом капитал бозорлари ҳам, агар ислом суфурта тизими бўлмаса, узлуксиз ва самарали фаолият олиб бора олмайди.

Миллий иқтисодиётимизда бутунлай янги бир тизимнинг пайдо бўлиши соҳа амалиёти ва кадрлар малакасининг етарли эмаслиги сабабли ҳам олдимизда бир қанча молиявий қийинчиликларни вужудга келтириши табиий. Ушбу хавфхатарлар даражасини нисбатан камайтириш ва соҳани ривож-

лантириш орқали самарали даромадга эришиш мақсадидида жаҳон амалиётида ислом суфуртаси секторининг ишлаш механизмига таяниш айни муддаодир. Аниқроқ қилиб айтганда, биздан бугунги миллий суфурта бозори таркибида ислом суфурта маҳсулотини киритиш учун анъанавий тизимдан воз кечиш талаб этилмайди, балки анъанавий суфурта компаниялари таркибида ҳам ислом суфуртаси дарчаларини очиш учун имконият яратилади. Бу эса бевосита суфурта бозорида ўзаро ра-

Суғурта компаниялари ўз фаолияти жараёнида фойдани максималлаштириши эмас, балки мижозларнинг тўловга лаёқатлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда улар учун ўзаро манфаатли бўлган суғурта хизматларини жорий этишини мақсад қилиб олишлари лозим.

қобат муҳитини шакллантириш ва янада самаралироқ фаолият юритишига туртки бўлади. Фақат бу амалиёт жараёнида барча хизматлар шариат қоидаларига амал қилинган ҳолда ижро этилиши ҳамда анъанавий суғурта тизими асосида ишләётган ҳисобракамлар ва олиб бориллаётган ҳисоб-китоблар компанияда ташкил этилган ислом суғуртаси дарчаларидан алоҳида ишлаши лозим, зеро икки тизимнинг юқорида келтирилган фарқлари мавжудлигини ҳисобга олиш талаб этилади. Нисбатан хавфсиз ва кўп маблағ талаб этмайдиган бу усулга асосланган амалиёт такомиллаша боргани сари Такафул дарчасини Такафул бўлимига, тажриба ортиши ва механизмлар тўғри йўлга кўйилиши орқали самарали даромадга эришиш натижасида йирик Такафул компанияларига айлантириш имконияти туғилади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилиши баробарида Юртошибосимиз томонидан жадал ривожланиш тенденциялари ишлаб чиқиляётган ва амалда жорий этилаётган айни даврда иқтисодий тармоқларнинг даромадлилик даражасини ошириш ва фуқароларнинг уларга нисбатан ишончини мустаҳкамлашда йиллар

давомида кўрсатиб келинаётган бир турдаги хизматларгагина суюниб қолмай, жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда, самарали даромад келтираётган халқаро махсулотлар ёрдамида миллий молия хизматларини диверсификациялаш талаб этилади. Бу борада ватанимиз учун нафақат диний нуқтаи назардан ҳалол ҳисобланган, балки даромад келтириш нуқтаи назаридан ҳам бутун жаҳонда жадал ўсиш кўрсаткичларига эга бўлган ислом молияси амалиётини жорий этиши мақсадга мувофиқдир. Албатта, бозор иқтисодиётiga асосланган айни даврда, ҳар қандай иқтисодий муносабатларда, жумладан, суғурта фаолиятида суғурта компанияси ҳам, суғурталанувчи мижоз ҳам ҳар икки томон учун ўзаро манфаатли ва адолатли бўлган шартномага эришишини истайдилар, бунга эса Такафул компанияларининг ишлаш механизми орқали эри-

шиш мумкин. Таъкидлаш жоизики, бугун ушбу тизимни миллий иқтисодиётимиз таркибига кириши орқали яна кўплаб ислом молияси махсулотларини жорий этиш имкониятига эга бўламиш ҳамда бу бевосита фуқароларнинг турмуш фаровонлиги даражаси ошишига ва исломий молия инструментларидан фойдаланадиган мусулмон аҳолининг иқтисодий тизимларга бўлган ижобий муносабатини таъминлашга, қолаверса, миллий макроиқтисодий кўрсаткичлар таркибида самарали ва даромадли иқтисодий хизматларнинг улуши ошишига замин яратади.

Умуман олганда, суғурта компаниялари ўз фаолияти жараёнида фойдани максималлаштириши эмас, балки мижозларнинг тўловга лаёқатлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда улар учун ўзаро манфаатли бўлган суғурта хизматларини жорий этишини мақсад қилиб олишлари лозим. Шу орқали мамлакатимиз фуқароларининг суғурта компанияларига бирор мажбурият юзасидан «кутилмаган мижоз» сифатида эмас, балки суғурта хизматларидан кўнгилли тарзда, мамнунлик илиа фойдаланиш мақсадида ташриф буюришларига эришамиз.

ABSTRACTS

THE RELEVANCE OF THE INTRODUCTION OF THE ISLAMIC INSURANCE SYSTEM IN UZBEKISTAN: CURRENT PROBLEMS AND OPPORTUNITIES

The objective of the future development of the Insurance sector in our country inevitably requires continuous and effective reforms in the entire economic system. According to the authors, these goals can be achieved directly by integrating the national insurance market into the world economy and diversifying the offered insurance products on the basis of foreign experience, in particular by introducing the Islamic insurance system.



«ДОМКЛИК»: ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТИ

Бугунги кунда банк-молия соҳасида жиiddий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳар бир инсон ўзгаришларни сезмоқда, банк хизматларини, маҳсулотларини ва бошқаларни тақдим этиши жараёни анча соддалаштирилди. Мижозлар янги банк маҳсулотларидан имкон қадар тезроқ фойдаланиши учун банклар уларнинг ҳаётини аҳамиятли даражада соддалаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ахборот технологиялари эса бундай имкониятларни яратади. Ҳозирда товарлар сотиб олиш, омонатлар очиш, кредитларни ва банк карталарини олишга сўровнома қолдириши учун уйдан чиқмасдан мурожаат қилиш мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли рўй бермоқда. Шу даврда хорижий тажрибани ўрганиши жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси банклари кўплаб хорижий банклар ва молия ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Xалқ банки, Агробанк, Алоқабанк каби кўплаб банклар Россия Федерациясининг етакчи банкларидан бири –

Сбербанк билан ҳамкорлик қилмоқда.

Сбербанкнинг «ДомКлик» хизмати ҳақида тўхтамоқчимиз.

СБЕРБАНКНИНГ «ДОМКЛИК» МАҲСУЛОТИ: АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР ВА ХИЗМАТЛАР

Сбербанкнинг «ДомКлик» электрон портали 2017 йилда

ишга туширилди. Бу ипотека кредитлаш соҳасида ишлаб чиқарувчиларни, риэлторларни, потенциал ипотека кредити олувчиларни бирлаштиради. У давлат органларига ариза топширишдан бошлаб онлайн режимида битимни рўйхатдан ўтказишига қадар бўлган хизматларни тақдим этади¹.


Асосий вазифалари:

- Сбербанк филиалига

¹ <https://www.vbr.ru/banki/sberbank-rossii/help/servis-domklik/>.



ДомКлик
Центр недвижимости
от Сбербанка



ташиф буюрмасдан, онлайн равиша кредит олиш учун ариза жүннатиш. Буни domclick.ru расмий сайтидаги мижоз ўз шахсий кабинетидан ёки смартфонидаги мобиль дастур орқали амалга ошириши мумкин.

- Кўчмас мулкни танлаш. Кидиrud бирламчи ва иккиминада бозорларда, банк томонидан аккредитациядан ўтган кўчмас мулк агентликлари ва курувчилар орасида ўtkазилади.
- Ипотека кредитини баҳолаш. Конун бўйича ушбу процедура мажбурийdir. Ушбу хизмат сизга Сбербанк томонидан тасдиқланган, ипотека операциялари билан ишлай оладиган баҳоловчи компанияни танлаш ва баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш имкониятини беради.
- Мажбурий суурита гаровга кўйилади. Ҳаёт ва соғлиқ учун суурита полисини сотиб олиш ихтиёрийdir, аммо сиз кредит ставкаси камида 1% юқори бўлишига тайёр бўлишингиз керак.
- Гаровни тўлашдан кейин молиявий юкни олиб ташлаш мажбурий тартибидир. Шу

” МАЪЛУМОТ

Сбербанк 2017 йилда «Йилнинг ипотека кредити» номинациясида «Йил банки» мукофотига сазовор бўлган эди. Бу ҳақда Банки.ru банк хизматларини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи Елена Сударикова маросимда эълон қилган. Мукофот «ДомКлик» бўлими директори Павел Зиковга тақдим этилган.

Манба: <https://www.banki.ru/news/lenta/?id=10270981>

пайтгача сотиб олинган ўз ёки квартира банк томонидан гаровга кўйилган. Бу сотиб олиш ва сотиш, хайр-эхсон ва ҳоказо каби кўплаб қонуний битимларга чекловлар кўяди, шунинг учун қарзни тўлашдан сўнг юкни олиб ташлаш керак. Буни «ДомКлик» веб-сайтида амалга ошириш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган асосий хизматлардан ташқари, кўплаб бюрократик жараёнларни енгиллаштирадиган бир қатор кўшимча хизматлар мавжуд:

1. Объектнинг қонунийлиги ва ҳалоллигини текшириш. Қарз олувчи кредит бўйича мурожаат қилишдан олдин мулкни хукукий экспертизадан ўтказишига буюртма бериши ва унинг ҳалоллиги кафолатланган битим тузishi мумкин. Ҳар қандай ипотека битими Росреестрда рўйхатдан ўткази-

лиши керак. Электрон хизмат хужжатларни уйдан чиқмасдан топширишга имкон беради.

2. Хавфсиз хисоб-китоблар – бу банкка бормасдан сотувчи ва харидор ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар хизмати.

3. Нархларни таҳлил қилиш. Мижоз сотиб олмоқчи бўлган ёки сотувдаги ўй-жой нархини билиш учун шунга ўхшаш хусусий мулкларнинг нархларини таққослаши мумкин.

Портал нафакат қарз олувчиликлар, балки Сбербанкнинг ҳамкорлари учун ҳам яратилган. Буларга қуйидагилар киради:

- Курувчи корхоналар.
- Кўчмас мулк агентликлари ва агентлари.
- Баҳоловчи компаниялар.

Улар кўчмас мулкни сотувга қўйиши, ўз мижозлари но-

мидан ипотека кредитини беришга сўровнома билан мурожаат қилиши, янги иморатлар тўғрисида маълумот жойлаштириши, онлайн савдоларни рўйхатдан ўтказиши, мулкни баҳолаш учун аризаларни қабул қилиши мумкин.

Сбербанк «ДомКлик» хизматини такомиллаштириш устидаги ишламоқда, аммо ҳозирги кунга, айрим мижозларнинг фикрига кўра, унинг камчиликлари ҳам мавжуд. Улар ҳақида кейинроқ сўз юритамиз.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА

Ҳуқуқий экспертиза ўткалиш учун domclick.ru сайтида ихтиёрий тартибда буюртма бериш мумкин. Афсуски, кўчмас мулк билан ноқонуний битимлар ҳали ҳам кўп учрайди, шунинг учун объект ва сотувчининг қонунийлиги ва ҳалолигини жиддий текшириш керак.

Юридик экспертиза қандай амалга оширилади:

1. Олинган мулк тўғрисидаги ҳужжатлар тўпланиб, таҳлил қилинади.

2. Сотувчининг ишончлилиги текширилади: банкротлик процесси бошланганми ёки

йўқми, суд жараёни ва суд ижроси борми, солиқ қарздорлиги борми ва ҳоказолар.

3. 1998 йилдан бошлаб мулк тарихи ўрганилади: кўчмас мулк билан боғлиқ ҳаракатлар, кимга қонуний тегишли бўлган, қандай фойдаланилган в.к.

4. Юристлар хulosалар тайёрлайдилар ва мулкни сотиб олиш керакми ёки йўқми ҳамда харидор ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида тавсиялар берадилар.

Экспертиза натижалари юристлар имзоси билан муҳрланган ва юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

ҲАМКОРЛАР УЧУН «ДОМКЛИК» ХИЗМАТИ

Кўчмас мулк агентликларини, агентларни, ишлаб чикувчиликларни ва баҳоловчиларни рўйхатдан ўтказиш domclick.ru сайтида амалга оширилади.

Электрон хизматлардан фойдаланган ҳолда риэлторлар куйидагиларни амалга оширишлари мумкин:

1. Компанияни рўйхатдан ўтказиш, логотип, офислар манзилини ва ходимларини кўшиш.

2. «ДомКлик» фойдаланувчиларидан қўшимча мижозлар топиш.

3. Мижозлар номидан ипотека кредитини олиш учун мурожаат этиш.

4. Хавфсиз тўловлар, электрон рўйхатдан ўтиш, нархларни таҳлил қилиш каби қўшимча хизматлардан фойдаланиш.

5. Кўчмас мулкни сотишиб ёки ижарага олиш бўйича бепул ўзлонлар жойлаштириш.

Булардан ташқари, қурувчи корхоналар қўшимча равиша қуидагилардан фойдаланиши мумкин:


1. Алоҳида кўчмас мулк ёки туарар-жой мажмуасини аккредитация қилиш.

2. Ишбилармонлик обрўсини ва молиявий ишончлилигини тасдиқлаш.

СБЕРБАНКНИНГ «ДОМКЛИК» ХИЗМАТИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ

Электрон хизматнинг ишлаётганига уч йилдан ошди, шу сабабдан фойдаланувчилардан кўпгина шикоятлар тушмоқда. Аммо аниқ





афзалликларини айтиб ўтиш керак:

- Мижозлар вақтини ва пулини тежаш. Баҳолаш түғрисидаги ҳисоботни буортма қилиш, суғурта полисини сотиб олиш, битимнинг ҳалоллигини текшириш учун юрист ёллаш ва кўчмас мулкни қидириш учун ризлтор билан шартнома тузиш мақсадида турли ташкилотларга бориш шарт эмас. Ипотека битимини тузиш учун зарур барча хужжатлар тўплангунича банкка бир неча бор бориш шарт эмас. Уйдан чиқмасдан барчаси битта сайдта амалга оширилади.
- Шахсий кабинетга 24/7 режимида кириш мумкин, ба-жарилаётган ҳар бир босқични кузатиб бориш имконияти мавжуд.
- Ипотека кредити олинишининг бутун жараёни онлайн-маслаҳатчи ёрдами билан кузатиб борилади.
- С б е р б а н к н и н г «ДомКлик» электрон хизмат-

ларидан фойдаланишда ипотека ставкасини пасайтириш.

Порталнинг ўнлаб мижозлари шарҳларини ўрганиб чиққандан сўнг аниқланган асосий камчиликлар қўйида-гилардан иборат:

- Тизимдаги ҳужжатларни биринкириш билан боғлиқ техник носозликлар.
- Мурожаатларни камдан-кам маъкуллаш, шунинг учун мижоз ҳали ҳам банкка бориб, ипотека кредитини олиш жараёнини у ерда бошлиши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Сбербанкнинг «ДомКлик» хизмати – замонавий ва қулай портал. Яқин келажақда у жуда машхур бўлиши шубҳасиз. Зоро, ипотека кредитини олиш каби мураккаб битимларнинг барча босқичларидан ўтишга ҳамма ҳам вақт топа олмайди.

Жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда, вақт ўтиши билан

мамлакатимиз банкларининг электрон тизимлари ҳам янада ривожланиб, онлайн-хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони ошиб боришини тахмин қилиш мумкин.

ABSTRACTS

"DOMCLICK": MODERN BANKING SERVICE

Today, the process of providing services and products in the banking and finance sector has been greatly simplified. In order to use the new banking products by customers as quickly as possible, banks should try to make their lives significantly simpler. The author of the article writes about one of the promising bank electronic services and its advantages, which has not yet been introduced in Uzbekistan.

Фаррух Иззатуллаев тайёрлади.



НА ВОЛНЕ ДОВЕРИЯ

ПОТРЕБИТЕЛЬСКИЙ КРЕДИТ
“УНИВЕРСАЛ”
ПРОСТО И УДОБНО

КРЕДИТ «УНИВЕРСАЛ»
ВЫДАЁТСЯ НА ПРИОБРЕТЕНИЕ
ТОВАРОВ И УСЛУГ, ПРОИЗВЕДЕННЫХ
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН



(+998 78) **140-00-88**
www.trustbank.uz

Услуги лицензированы

Газр Ч2682




КЛАССИКА ЕВРОПЕЙСКОГО КРЕДИТОВАНИЯ – УСПЕХ ВАШЕГО БИЗНЕСА

- ДЛЯ БИЗНЕСА, РАБОТАЮЩЕГО БОЛЕЕ 6 МЕСЯЦЕВ
- ДЛЯ ОБОРОТНЫХ ИЛИ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ
- ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ, ГИБКИЙ ПОДХОД К КАЖДОМУ КЛИЕНТУ



НОВАЯ ПРОГРАММА КРЕДИТОВАНИЯ ДЛЯ
МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА СОВМЕСТНО С ЕБРР



uznbu



nbu_official



@nbu.official



www.nbu.uz



78 148 00 10

Услуги лицензированы